

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**528** Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2297*

*(2011 йил 22 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 2000 йил 7 декабрда 02-20-64-сон билан тасдиқланган Божхона брокерлари ва декларантлари фаолияти тўғрисидаги низомга 1-сон ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 495-1, 2000 йил 16 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2001 йил 19 мартдаги 02/20-7-сон «Божхона брокерлари ва декларантлари фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 495-2, 2001 йил 29 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил 6-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

**528-529-моддалар**

— 72 —

**50 (498)-сон**

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга  
киради.

**Раис**

**3. ДЎСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 12 ноябрь,  
01-02/20-22-сон